АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил 6 АВГУСТ сешанба
№ 31 (287)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

O`n bir yil avval va bugun

## ОЗОДЛИК — ДУНЁДА ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ



**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**халқ шоири**





Дунёда энг бебаҳо неъмат саналган Озодлик, Мустақиллик ҳақида гап кетганда, улуғ донишмандлардан бирининг озодликка интилаётган одамни ҳеч бир куч енга олмайди, агар бутун бир халқ шу йўлда оёққа қалқса, дунё тарихига дахлдор буюк ҳодиса юз беради, деган фикри ёдга тушади. Шундан ҳам кўринадики, бу дунёда озодлик, инсон ғурури-шаъни, қадр-қиммати ҳамма нарсадан баланд. Яратганга минг қатла шукрки, бугун ҳар бир юртдошимиз истиқлолдан қалбига ғурур чўғи тушиб, "Мен миллатман, мен озодман , менинг келажагим бор", деган гапни баралла айтмоқда. Мана шундай олижаноб туйғу билан яшаш, ундан куч олиб, ёруғ келажакка катта ишонч билан қараш бугунги кунимизнинг мезонини белгилайди.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, ана шундай хушсаодат пайтда киши ёдига беихтиёр кечаги шўро тузуми, халқимиз бошидан кечирган беҳисоб кўргуликлар тушади. Албатта, ота-боболари дунёга маърифат улашган миллатнинг шуурида зимистонлик пайдо қилишга уринган мустабид тузум учун халқнинг уйғониши ўта хавфли ва қўрқинчли саналарди. Шунинг учун ҳам ёвуз тузум озодликка интилган, бу йўлда саъй-ҳаракат кўрсатган фидойи фарзандларнинг тилини кесишга, оғзини тикиб қўйишга жонжаҳди билан уринганини, шу қабиҳ ниятда кўплаб бегуноҳ инсонларнинг ёстиғини қуритгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Мустабид тузум даврида истибдодга қарши бош кўтарган халқимизнинг энг сара фарзандлари ўққа учди, турмаларга ташланди, хору зорликка гирифтор этилди. Беҳбудийлар, Чўлпонлар, Қодирийлар, Усмон Носирлар... минглаб ватандошлар тақдири ўта аянчли кечганини яхши биламиз. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дунёда адабиётнинг юксак намуналарини яратишга чоғланган буюк адиблар, халқнинг ёрқин юлдузлари қатағон қурбонларига айланди, ўз-ўзидан инсоният маънавиятига дахлдор маданият шўро сиёсати оловида ёнди. Ўша пайтда ҳатто ҳазрат Алишер Навоий ижодини тескари талқин қилишга уринган жамиятни қандай ном билан аташ мумкин? Бу халқни оммавий кўрлик, карлик, манқуртликка маҳкум қилишдан бошқа нарса эмас.

Ўша пайтда бу дунёда ўрнинг борми-йўқ — умуман, сен ҳам халқмисан — сенинг орзуларинг, келажагинг билан ҳеч ким қизиқмасди.

Дунёда маънавият дарахти илдизини чопиш, кишилар руҳиятини карахт этишдан ортиқ жаҳолат, ёвузлик топилмайди. Шўро тузуми халқимизни ана шундай балога гирифтор этган эди.

Фақат истиқлол туфайли бу жаҳолатнинг занжири чил-чил узилди. Бугун халқимиз юрт озодлиги нақадар мўъжизавий қудратга эга эканини юртимизда юз бераётган буюк ўзгаришлар тимсолида ҳам кўриб турибди.

Энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки йилларидан муҳтарам Президентимиз маънавият соҳасига катта эътибор билан қарагани, тарихсиз келажак йўқлигини бот-бот таъкидлагани, улуғ боболаримиз яратган маънавий меросни ҳар қайсимиз ҳис қилишимиз зарурат эканлигини такрор ва такрор уқтиргани замирида улкан ҳикмат бор, албатта. Зотан, ўз маънавиятидан кўнгли тўқ миллатнинг кўнглида ғурур ўти ёнишини англаган Юртбошимиз ёш авлод тарбиясининг асосини ҳам буюкликка дахлдор халқ ўтмишида деб билди. Шу туфайли ёшларимиз тасаввурида буюк тарихимиз бўйбасти билан намоён бўлди. Келажакнинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Ўғил-қизларимиз бугун шаън-шавкат, ғурур-у ифтихор туйғуларини кўнгилга жо қилиб, дунё билан юзма-юз бўлмоқда, дунё билимларини пухта эгаллаяпти. Истиқлол ёш авлодга дунё эшикларини кенг очди, ўзбекнинг ўзлиги тантана қилди. Миллий мафкурамизга эгамиз. Қарашларимиз теран. Бизга нисбатан дунёнинг ишончи тобора ортиб боряпти. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг кенг ҳимоя қилиниши — хуллас, демократик андозалар томон юз бурган озод мамлакатда, энг аввало, инсон қадр-қиммати, шаъни-шавкати тикланди. Иқтисодий жиҳатдан баркамолликка эришиб бормоқдамиз. Истиқлолнинг шу қисқа даврдаги муваффақиятимиз дунё кўзўнгида рўй бераяпти, бизни жаҳон тан олди: Ўзбекистон ишончли ҳамкор, ишончли дўст — ўз йўлида собит туражак, ҳатти-ҳаракати қатъий ва шижоатли давлат!

Тарих саҳнасига озод юрт, озод миллат бўлиб чиқиб олиш, дунё халқларининг эътирофини қозониш шунчаки айтиладиган гап эмас. Агар кечаги кунга назар ташласак, истибдод даврини бир хаёлдан ўтказсак, қатағону зулмларни кўз олдимизда гавдлантирсак, ихтиёрсизлик, қисматга тан бериб, ўз ҳуқуқимизни бировларга бериб қўйган дамларни хотирласак, бугунги Ўзбекистоннинг барча жабҳалардаги ютуғи, нафақат ўн бир йил, балки ўн бир асрга тенгдир, деган хулосага келаман. Одамлар онгидаги ўзгариш, Ватанимизнинг ободлиги, юртимизда рўй берган бунёдкорлик ишлари бунга гувоҳ. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, озодлик бизга инсондек яшаш имконини берди. Зеро, ўз юртида инсондай яшаган одамнинг эртаси умидли бўлади. Эртаси умидли одам шу Ватанни, керак бўлса, шу она заминни гул-гўзалликка буркашга қодир. Шундай экан, бугун Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг кўнглида фахр-ифтихор туйғулари тўлқин урган экан, демак, она-юртимизда инсон меҳнати, интилишлари бежиз кетмаётганидан қувониш керак.

Шу билан бирга Озодлик инсоҳ тафаккуридаги мислсиз юксалиш тимсолида ҳам намоён бўлади. Одамзот онгидаги кескин ўзгариш — дунёни англаш, ҳаётда яшамоқ моҳиятини англаш деб қаралади. Руҳни, тафаккурни зиндонбанд қилиб бўлмайди. Бироқ ташқи оламдан узиб ташланган одам бора-бора тушкинлик азобида қолади. Кўнглида ишонч йўқолади. Ҳаёт шу экан-да, деб қисматига тан беришга мажбур бўлади. Буни бутун бир халқ мисолида кўрсак, яна ўша истибдод даври ёдга тушади. Ҳаммани бир хил ўйлашга, бир хил фикрлашга ундаган, мажбур қилган тузумда кишилар қул бўлиб яшагани айни ҳақиқат эди. Шунинг учун ҳам ўша даврдаги ёлғон мафкура нафақат бизнинг халқимиз, балки бутун инсоният ҳаётига хавф солган. Ўз-ўзидан равшанки, бугун халқимиз чеҳрасидаги тиниқлик, ботинидаги хотиржамлик, тафаккуридаги ўзига хос қараш, миллий менталитетнинг шаклланиши, айтиш мумкинки, озодлик миллатимизни дунёнинг илғор халқлари сафига олиб чиқди. Истиқлол — миллат шаънини ҳимоя қилибгина қолмай, унинг дунёқарашини ҳам рўёбга чиқаради. Руҳи озод инсон ўзи яшаётган жамиятда, шу билан бирга, бутун башарият ҳаётида дахлдорлик ҳисси билан яшайди.

Энг асосийси, бугунни англаш, қадрлаш, келажак йўлида эзгу ишларни қилиб улгуриш ҳар биримизнинг виждон амримизга айланмоғи керак.

Зотан, одамзот дунёга фақат майда ва ўткинчи ҳаю-ҳаваслар учун келмайди. Лекин ўз умрини ҳалол инсондай яшаб ўтиш ҳар кимнинг измида. Ҳар қайсимиз имконимиз даражасида эл-юрт равнақига хизмат қилсак, энг муҳими, инсон эканлигимиз, бу дунёда ўткинчи умримиз давомида яхши из қолдириб кетишга ҳаракат қилсак, шунинг ўзи кифоя.

Истиқлол осмондан тушган эмас, у изтироблар, кўзёшлар, қурбонлар эвазига қўлга киритилади. Шундай бўлди ҳам. Бугун мана шу йўлда собит турсак, истиқлолимиз асосчиси Юртбошимиз атрофида янада мустаҳкам жипслашсак, ҳар қайсимиз ўз қўлимиздан келадиган ишни виждонан бажарсак, айтиш мумкинки, озодлигимизнинг тўғри маънодаги ҳимоячисига айланамиз. Авлодларга озод ва фаровон юртда яшаш бахти насиб қилди, шу билан бирга уларнинг елкасида бу юрт равнақига ҳисса қўшиш масъулияти ҳам бор.

"Нега кеча бизга беписандлик билан қарашди, нега қадримизни ерга уришди, нега бор бойликларимизни талашди, тилимиз, дину диёнатимиздан мосуво қилишга уриндилар?", деган саволни ўзимизга бериб кўрсак, кўп нарсалар ўз-ўзидан ойдинлашади. Энг асосийси, бу доруломон кунларнинг қадрига етмоқ, бу кунларга шукрона айтмоқ лозимлигини англаб етамиз.




*"Ўзбектуризм" Миллий компанияси ташкил этилганига ўн йил тўлди. Шу сана муносабати билан Президент Ислом Каримов компнаия жамоасига табрик мактуби йўллади.*

* * *

*Тошкент шаҳар саломатлик марказида "Она сути — бебаҳо неъмат" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.*

* * *

*Республика "Маънавият ва маърифат" маркази пойтахт ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Жамиятда диннинг ўрни" мавзуида илмий-амалий семинар ўтказди.*

* * *

*Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида яқин беш йилда қишлоқ хўжалик тизимида ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

* * *

*Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти ҳамда ЎзРФА Тарих институти ва Шарқшунослик институти билан биргаликда "Бухоро араб истилоси даврида: манбалар, қазилмалар, тангалар" мавзуида халқаро илмий-назарий семинар ўтказди*

* * *

*"Прагма" корпорацияси Тошкент шаҳрида USAID нинг кичик ва ўрта тадиркорликни ривожлантириш дастури бўйича "Стратегик режалаштириш" мавзуида беш кунлик семинар ўтказди.*

* * *

*Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

* * *

*Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш Дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Tahlil ko`zgusi

## ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

### ЕТТИНЧИ МАЪЛУМОТ

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилаётган шартномаларнинг қонунийлиги ва уларнинг қай даражада бажарилишини мунтазам назорат қилиб бориш адлия идораларининг асосий вазифаларидан биридир.

Шу маънода Адлия вазирлиги ходимлари 2002 йилнинг биринчи ярим йили давомида 8067 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган 123 мингга яқин шартномаларнинг қонунийлигини ўрганиб чиқди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан оила пудратчилари билан тузилган 308 мингга яқин ички шартномаларнинг қонунийлиги ҳам ҳар тарафлама кўриб чиқилди. Шундан 42 мингга яқин шартнома нотўғри тузилгани аниқланиб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар тузатилди.

Президентимиз Ислом Каримов 18 июл куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигига бағишланган йиғилишида ички хўжалик шартномаларини тузиш ва бажариш давомида юзага келган камчиликлар хусусида тўхталиб ўтганлари ҳам бежиз эмас. Шунингдек, маърузада мамлакатимиз раҳбари ҳосилнинг тақдири, яъни керакли миқдордаги ғалла, пахта, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларга эга бўламизми, йўқми, бу масала айнан ана шу шартномаларнинг бажарилиши, бир томондан хўжалик — ширкат, иккинчи томондан эса, пудратчи ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни тўлиқ адо этишига боғлиқ эканини ҳам таъкидладилар.

Ҳақиқатан ҳам, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**-ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, ички хўжалик шартномаси хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаси ўртасида тузиладиган шартнома бўлиб, у хўжалик шартномаларини таъминлашга қаратилган.

Масалан, амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ ширкат хўжалигида маҳсулот етиштириш оила пудратчилари билан тузилган шартнома ички пудрат шартномалари асосида амалга оширилади. Мазкур ички хўжалик шартномаларнинг бажарилиши ширкат хўжалигининг бошқа субъектлар билан тузган шартномалар бўйича мажбуриятлари бажарилишини ҳам кафолатлаши мумкин.

Адлия идоралари томонидан ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, қонуний таъсир ва назорат чоралари қўлланишига қарамасдан ҳанузгача айрим хизмат кўрсатувчи, таъминот ва қайта ишлаш корхоналари шартномаларни номигагина тузиб, шартнома мажбуриятларини бажаришда кўплаб қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган ички хўжалик шартнома мажбуриятларини бажаришда ҳам кўплаб қонун бузилиш ҳолатлари учрамоқда. Масалан, Наманган вилоятининг Чуст туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги 6 нафар оила пудратчилари билан ғалла маҳсулотлари етиштириш юзасидан тузган шартномада маҳсулотнинг қиймати ноаниқ равишда оддий қалам билан белгилаб қўйилган. Сурхондарё вилоятининг Музробод туманидаги "Бешқўтон" ширкат хўжалиги томонидан 61 нафар ғалла етиштирувчи оилавий пудратчи билан шартнома тузилган бўлса-да, унда шартнома мажбурияти ортиғи билан бажарилганда, пудратчиларга қанча миқдорда ғалла ёки пул мукофоти берилиши аниқ кўрсатилмаган. Текшириш давомида шу нарса маълум бўлмоқдаки, аксарият ҳолларда ички хўжалик шартномаларини бажаришда ширкат хўжаликлари ўз мажбуриятларини бажармаганликлари кўзга ташланаётир. Бу эса ўз навбатида оила пудратчилари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда бошқа муаммоларни келтириб чиқаради ва шартнома мажбурияти бажарилмайди. Бундан ташқари, ширкат хўжалиги билан оилавий пудратчи ўртасида тузилган ички хўжалик шартномасига кўра, хўжалик пудратчини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва юқори ҳосил олиши учун ўз вақтида минерал ўғит, сув билан таъминлаши, белгиланган муддатларда техника хизмати кўрсатиши, аванс ва иш ҳақларини тўлаб бориши шарт қилиб қўйилган. Айрим ширкат хўжалик раҳбарлари шартнома мажбуриятларини етарли даражада бажармаслиги ёки умуман унга жиддий қарамаслиги ҳам анчагина ташвиш уйғотади. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги "Кўк дала" ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси Гилосхон Ҳаитова Адлия вазирлигига ариза билан мурожаат қилиб, ширкат хўжалигидан 12 гектар пахта ва 11 гектар ғалла етиштириш учун ерни ижарага олгани, ширкат хўжалиги раҳбарлари сувни ўз вақтида етказиб бермаганлиги, шунингдек, иш ҳақларини ўз вақтида тўламагани оқибатда шартнома мажбурияти бажарилмаганини маълум қилган. Ушбу ариза ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатан ҳам, унда кўрсатилган ҳолатлар ўз тасдиғини топган. Адлия бошқармаси тақдимномага асосан ширкат хўжалиги оилавий пудратчи Г.Ҳаитовага 71.544 сўм, бошқа оилавий пудратчи Х. Боймуродовага 35.390 сўм, Р.Боймуродовга 66.462 сўм, М.Қўйлиевага 20.725 сўм иш ҳақларини кеч бўлса-да, тўлашни зиммасига олган. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Ангор туманига қарашли Ш.Рашидов номидаги ширкат хўжалиги оилавий пудратчилари Ю.Хўжақулов ва бошқалар адлия вазирлигига ғалла етиштириш бўйича шартномаларни бажарган бўлишларига қарамасдан, ширкат хўжалиги раҳбарияти ортиқча етиштирилган ғаллани натура ҳолда пудратчиларга бермаганини ариза орқали билдиришган. Ушбу ариза ҳам Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилиб, оилавий пудратчи Ю.Хўжамқулов фойдасига 3,6 тонна буғдойни натура ҳолда ёки унинг харид баҳоси 129.600 сўмни, пудратчи О.Қаршиев фойдасига 3,4 тонна буғдойни натура ҳолда ёки унинг харид баҳоси 122.400 сўмни, У.Сатторов фойдасига 3,6 тонна буғдойни натура ҳолда ёки унинг харид баҳоси 129.600 сўмни, С.Жабборов фойдасига 3,4 тонна буғдойни натура ҳолда ёки унинг харид баҳоси 122.400 сўмни, Т. Сатторов фойдасига 3,6 тонна буғдойни натура ҳолда ёки унинг харид баҳоси 129.600 сўм қийматини ундириб бериш ҳақида фуқаролик судига даъво аризаси киритилган. Суд ушбу даъвони кўриб чиқиб, барча пудратчилар фойдасига ғаллани натура ҳолда ундириб бериш ёки қийматини тўлаш ҳақида ҳал қилув қарорни чиқарган.

*(Давоми иккинчи бетда)*

Adliya tizimi

## СИРДАРЁ

**Вилоятда бугунги кунда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари сони 8491 тани ташкил этиб, ўрта тадбиркорлик субъектлари 341 та, кичик тадбиркорлар сони 1155 нафар, кичик фирмалар сони 6252 тадир. Бундан ташқари 4293 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят адлия бошқармасига 101 та ариза тушди. Улардан 53 таси қаноатлантирилди, 27 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришни берилди, 1 та ариза рад этилди, 17 таси бошқа идораларга юборилди.**

**Бошқарманинг "Ишонч телефони" орқали қилинган 7 та мурожаат бўйича 6 кишининг ҳуқуқи тикланди, 1 кишига ҳуқуқни тушунтириш берилди.**

Xabar

## СУД ИЖРОЧИСИ МАСЪУЛИЯТИ

Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятни моддий-техникавий жиҳатдан ва молиявий таъмилаш департаментининг жорий йил биринчи ярим якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Адлия вазири ўринбосари, мазкур департамент директори Э.Қудратов Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов суд-ҳуқуқ соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берганини, судлар ва прокуратура ҳақида, суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларининг ижрочи бўйича янги қонунлар қабул қилинганига эътиборни қаратганини таъкидлади.

Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилган **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонун мамлакатимиз суд ижрочиларининг аниқ мақомини белгилаб берди. Бугунги кунда суд тизимидан ажраган ҳолда яхлит тармоқ сифатида нафақат суд ҳужжатлари, балки бошқа органлар ҳужжатлари ҳам ўз вақтида ижро этилишини таъминламоқда. Бир сўз билан айтганда, қонун суд ижрочиларининг маъсулиятини янада оширди.

Янги қонун асосида олиб борилган ишларнинг олти ойлик таҳлили ижро назорати борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини кўрсатди. Қабул қилинган суд қарорлари ёки бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси тўлиқ бажарилсагина давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар манфаати ҳимояси тўлиқ таъминланади. Шу маънода департамент ва унинг ҳудудий бўлимларига тақдим қилинаётган ижро ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилишига катта аҳамият берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда департамент ижро бўлинмаларига 250 мингдан зиёд ижро ҳужжати келиб тушди. Бугунги кунгача мазкур ҳужжатларнинг 67,1 фоизи ижроси тўлиқ якунланди.Таҳлиллар ижро учун келиб тушаётган ҳужжатлар салмоғи тобора ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. Хусусан, жорий йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравардан ортиқ ҳужжат келиб тушди. Айни дамда ҳар бир ижрочига бир ойда 83 тадан зиёд ҳужжат тўғри келаётир.

Йиғилишда жойларда бу борада йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилди, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

Jurnalist surishtiruvi

## КИМ ҲАҚ-У, КИМ НОҲАҚ?

Таҳририятимизга шикоят хати йўллаган Акбарали Шаропов 22 нафар оила аъзолари билан келишиб, уларни иш билан таъминлаш мақсадида фермер хўжалиги тузиб, қонуний ҳужжатлари асосида 2 гектар ерга эгалик қилолмай, икки йилдан бери идорама-идора, судма-суд овора бўлибди. Китоб туман ҳокимлигидаги масъул кишиларга, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг тегишли бўлимига, туман деҳқон фермерлар уюшмаси раисига учраб Акбарали Шаропов иши юзасидан у-бу нарсани сўраб-суриштирдим. Уларнинг барчасидан фермернинг ҳатти-ҳаракати ижобий, бироқ негадир ерга эгалик қилолмаяпти, деган бир хил жавобни олдим.

Бошқа куни эса Акбарали уйидан топдим. Унинг айтишича, оила аъзоларини иш билан таъминлаш ва моддий фаровонликка эришиш мақсадида ер олиб деҳқончилик қилиш илинжида Китоб туманидаги собиқ "Бобур" номидаги деҳқон хўжалиги маъмуриятига ер сўраб мурожаат этибди. Далолатнома, хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиш қарори, кенгаш аъзоларининг хулосаси ва агрофирманинг қарори, фермер хўжалиги ташкил этиш, ижарага ер беришни кўриб чиқиб, туман комиссиясининг 2000 йил 27 май 6-сонли йиғилиш баёни хулосаси ва Китоб туман ҳокимининг 2000 йил 23 август кунидаги Х-405/8 сонли қарорига асосан унга 10 гектар лалми, 2 гектар суғориладиган ер ажратилиб, "Чамбил" фермер хўжалиги рўйхатга олинади. Қарорга кўра 2000 йил 24 август куни туман ер ресурслари хизмати томонидан А.Шароповга Бобур номидаги деҳқон хўжалиги ер майдонининг 234-контуридан 10 гектар лалми, 78-контуридан 2 гектар суғориладиган ер майдони ва шу идора томонидан ерга эгалик қилиш тўғрисида 059516 сонли гувоҳнома берилади. Энди бу ёғига фермер ишни бошлаши, жон-жаҳди билан меҳнат қилиб, давлат ҳам, ўзи ҳам манфаат кўриши керак эди. Бироқ бундай бўлмади. Гап шундаки, 2 гектар суғориладиган ерга ижарачи Жумабой Ҳакимов хўжалик билан шартнома тузиб, экин эккан эди. Шу сабабли А. Шаропов ернинг экиндан бўшашини кутишга тўғри келди. 2001 йил бошида эса ижарачи ерни фермерга бермайман деб туриб олди. Шу тариқа улар ўртасида даҳанаки тортишув бошланди. Хўжалик бошқаруви раиси тез-тез алмашиниб тургани фермер ва ижарачи ўртасидаги можарони баттар кучайтирди. Бошқача айтганда, бу масалага эътибор берадиган бирон-бир киши топилмади. Ваҳоланки ер туман ҳокимининг қарорига биноан фермер хўжалиги ихтиёрига ўтказилгач, хўжалик балансидан чиқарилиши керак эди. Воқеалар эса шу тарзда кечдики, ижарачини қўллаб-қувватловчилар ҳам кўп бўлди. Улар ижарачига "фермер ҳақ, у ерга эгалик қилиши шарт," деб тушунтириш ўрнига "сен ҳақсан, қўлингда 2004 йилгача тузилган шартнома бор, уни ҳеч ким бузолмайди, ўзинг фермер хўжалиги тузиш ҳақида "туман ҳокимининг қарорини бекор қилиш учун курашишинг керак", деб "олов"га мой сепиб туришди.

*(Давоми иккинчи бетда)*

# КИМ ҲАҚ-У, КИМ НОҲАҚ?

Jurnalist surishtiruvi

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Бу эса 2001 йилда ердан ижрочининг фойдаланишига имкон берди. Устига-устак "Зарафшон" ширкат хўжалиги раҳбарияти қайта шартнома асосида бу ернинг бир гектарини ижарачи Жумабой Ҳакимовга, бир гектарини эса фуқаро Акбар Пўлатовга боғ қилиш учун ажратиб беради. Жумабой Ҳакимов эса ернинг бир гектарини ҳам беришга розилик бермай, вилоят прокуратурасига туман ҳокимининг қарорини бекор қилишни сўраб ариза билан мурожаат этади. Бундан сал олдинроқ Акбарали Шаропов ҳам вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат қилган эди. Акбарали Шароповнинг таажжуб билан эслашича, унинг шикояти жавобсиз қолган. Жумабой Ҳакимов аризаси эса вилоят прокуратураси томонидан ўрганилган ва шу асосда прокуратура Китоб туман ҳокимига ёзма мурожаат этилиб, ер мажоросини узил-кесил ҳал қилиб беришни сўралган. 2002 йил 4 март куни туман ҳокимлиги тайинлаган махсус комиссия вазиятни тўлиқ ўрганиб, ер фермерники экани ҳақида хулоса беради. Шунингдек, туман ҳокимлиги томонидан вилоят прокурорининг 2002 йил 20 апрелдаги 7/13 "А"- сонли тақдимномаси ва Китоб туман ҳокимининг "Чамбил" фермер хўжалиги рўйхатга олиш ва ижарага ер бериш тўғрисида"ги қарорининг 2-бандига протести бўйича тайёрлаган рад жавобида шундай сатрлар бор: **"туман ҳокимлиги ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан мазкур ишга оид ҳужжатлар батафсил таҳлил қилинганда, фуқаро Жумабой Ҳакимов 1999 йилда оилавий пудрат асосида шартнома тузиб, 2 гектар сувли ерни ижарага олган. Ушбу шартнома муддати 2004 йилга қадар бўлган. Фуқаро Жумабой Ҳакимов икки гектар сувли ердан 2001 хўжалик йилида ҳам фойдаланган. Шунингдек, қонуний ҳужжатлаpға асосланган ҳолда 2000 йил 23 август куни туман ҳокимининг Х-405-сонли қарори асосида "Чамбил" фермер хўжалигининг Низоми рўйхатга олинган ва фермер хўжалиги ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Китоб туман ҳокимининг 2000 йил 30 декабрдаги Х-845/12 сонли "Зарафшон" ширкат хўжалиги низомини қайта рўйхатга олиш ҳақидаги қарори асосида Бобур номидаги деҳқон хўжалиги тугатилиб, "Зарафшон" агрофирмаси кенгайтирилиб, "Зарафшон" ширкат хўжалигига айлантирилган. Бинобарин, Фуқаролик Кодексининг 383-моддаси 1-бандига асосан Бобур номидаги деҳқон хўжалиги билан фуқаро Жумабой Ҳакимов ўртасида тузилган шартнома ҳам бекор бўлган ҳисобланади. Бундан ташқари "Зарафшон" ширкат хўжалиги фуқаро Жумабой Ҳакимов билан 2001 йил январ ойида ва фуқаро Акбар Пўлатов билан 2001 йил январ ойида тузган оила пудрат шартномаси ҳам қонунга мос эмас. "Зарафшон" ширкат хўжалиги маъмурияти ўзининг 2000 йил 2 июл куни тузган далолатномаси ва 2000 йил 7 апрел кунидаги хулосасига қарши бориб, фуқаро Жумабой Ҳакимов ва Акбар Пўлатовлар билан қонунсиз шартнома тузган, бу эса фуқаролар ўртасида бир-бирларига нисбатан зиддият туғдирган. "Чамбил" фермер хўжалигига 78-контурдаги 2 гектар суғориладиган ер "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасига биноан 10 йил муддатга ижарага берилган. Фермер хўжалиги "Зарафшон" ширкат хўжалиги билан ерни узоқ муддат ижарага олиш тўғрисида 2000 йил 28 август куни шартнома тузган ва ундан 10 йил муддатга фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ваҳоланки, вилоят прокуратурасидан келган ходим ушбу ҳужжатлар билан мутлақо танишмаган ва шу сабабли фермер хўжалиги ерни узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида "Зарафшон" ширкат хўжалиги билан шартнома тузмаган, деган нотўғри қарорга келган. Қолаверса, икки гектар ерни бошқа бир фуқарога топшириш фақатгина фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан амалга оширилиши лозим. Шуларни ҳисобга олиб Китоб туман ҳокимлиги вилоят прокурорининг протестини натижасиз қодиришни лозим деб топди".**

Ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган ушбу рад жавобидан кейин ўша 2 гектар ер мажоросига узил-кесил якун ясаш мумкин эди. Бироқ иккала томоннинг узоқ муддатли тортишувига асосий сабабчи бўлган "Зарафшон" ширкат хўжалиги маъмуриятининг хатолари жавобсиз қолаётган эди. Холисона айтганда, фермер ҳам, ижарачи ҳам бир қишлоқда яшаб, бир-биридан юзи шувит бўлиб юргани ачинарли. Ҳатто икки тараф мажоросини қишлоқ, хўжалик ва фуқаролар йиғинида оқсоқоллик йўли билан вақтида бартараф этиш ҳам мумкин эди. Афсуски, баъзи масъул кишилар бунинг ўрнига томошабин бўлиб туришни маъқул топишди. Натижада фермер икки йил сарсон бўлди. Ниҳоят, шу йилнинг баҳорида низоли ерга пахта экди. Бироқ фермер 78-контурдаги суғориладиган ер майдони бўйича "Китобдон" очиқ ҳиссадорлик жамияти билан 2000-2001 йилларда дон харид қилиш бўйича контрактация шартномалари тузиб, унга асосан гектаридан 4200 килограммдан дон етказиб бериш мажбуриятини олиб, 2000 йил ҳосилидан 8400 кг, 2001 йил ҳосилидан 8400 кг ғалла етказиб бериши белгиланган эди. Хўжаликнинг айби билан ерга фермер эгалик қилолмаслиги оқибатида контрактация шартномаси бажарилмай қолди. Фермер ушбу масала юзасидан Қашқадарё вилоят хўжалик судига мурожаат қилди. Хўжалик суди масалани ўрганиб, фермер хўжалиги фойдасига "Зарафшон" ширкат хўжалиги ҳисобидан 1764000 сўм моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Шунингдек, фермер хўжалиги раиси Адлия бошқармасига ҳам ариза билан мурожаат этган эди. Адлия бошқармаси ҳам "Чамбил" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб "Зарафшон" ширкат хўжалигининг собиқ раиси Абдумажид Абдураҳмоновдан 200 минг сўм маънавий зарарни ундириш ҳамда фуқаролар Жумабой Ҳакимов ва Акбар Пўлатовларга билан ноқонуний тузилган хўжалик ички шартномасини бекор қилиш ҳақида фуқаролик судига даъво аризаси киритди.

Ушбу даъво ариза 2002 йил 9-июлда фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судида кўриб чиқиб, қуйидагича ҳал қилув қарори чиқарилди: Даъвогар — Қашқадарё вилоят Адлия бошқармасининг "Чамбил" фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаб келтирган даъвоси асоссиз бўлганлиги учун рад этилсин. "Чамбил" фермер хўжалигига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича алоҳида тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушитирилсин. 2000 йил 20 август кунида Бобур номидаги деҳқон хўжалиги ва "Зарафшон" ширкат хўжалиги билан "Чамбил" фермер хўжалиги ўртасидаги ер майдонларини узоқ муддатга ижара бериш тўғрисидаги шартнома ҳақиқий эмас деб топилсин. Собиқ Бобур номидаги деҳқон хўжалиги ҳамда "Зарафшон" агрофирмаси кенгаши аъзоларининг 2000 йил 6-8 апрелдаги 1-сонли қарорларининг 2-банди ва Китоб туман ҳокимининг 2000 йил 20 августдаги Х-405/8-сонли қарорининг 2-банди ғайриқонуний деб топилсин ва бекор қилинсин".

Кўриниб турибдики, суд фермернинг манфаатига зид хулоса чиқарган. Ана шу хулоса Акбаралини тушкунликка туширган экан. Шундай бўлса-да, туман ҳокимлигидаги масъул кишилар ўз қарорининг тўғрилигини таъкидлашмоқда. Улар суднинг ушбу қарорини нотўғри дейишмоқда. Бундан ташқари қайд этилган 2 гектар низоли ерга фермер бу йил пахта эккан. Унинг ҳосили йиғиштириб олингач, ерга ким эгалик қилади, деган муаммо ҳали узил-кесил ҳал қилингани йўқ. Албатта, бу ўринда ижарачи Жумабой Ҳакимовни айблаш нотўғри. Чунки бир тарафдан қараганда, у ҳам ҳақ. Бу мажоронинг бош айбдори ҳар икки томонни саргардон қилган, ноқонуний ва чалкаш шартномалар тузган хўжалик маъмурияти эмасми?!. Шу боис хўжалик маъмурияти қонун асосида хатти-ҳаракатига жавоб бериши лозим. Ана шунда айбсиз фермернинг қонуний манфаати ҳимоя қилинади ва мажорога якун ясалади. Бу фикримизнинг тўғри-нотўғри эканини мутасадди ташкилотлар тезда аниқлашади, деган умиддамиз.

**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Qonun va ijro

# КОРХОНА БАНКРОТ БЎЛДИ...

Яқинда каттагина бир корхона раҳбарини учратиб қолдим. Илгаридан танишлигим боис у билан узоқ сўрашдик:

— Ишлар қандай, ака?

— Бир нави, ука, — деб жавоб берди у. — Корхонамиз суд қарори билан банкрот, деб эълон қилинди.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Бисотимиздаги бор мулкимизни сотувга қўйиб, қарзимизни тўлаймиз. Бошқа иложимиз йўқ.

Танишим билан хайрлашиб, йўлимда давом этар эканман, наҳотки, ундан чиқиб кетишнинг иложи бўлмаса, деб ўйланиб қолдим. Навоий вилоятида чоп этиладиган "Дўстлик байроғи" газетасининг 30 июл кунги сонида қуйидаги эълон мавжуд: Навоий вилояти хўжалик суди ажримига асосан Навоий шаҳридаги хўжалик юритувчи субъектлар — "Ҳамкор" масъулияти чекланган жамият, "Ҳамза" кичик корхонаси, "ЧИП" ишлаб чиқариш тижорат фирмаси, "Атланд", "Капитал" ва "Садоқат" хусусий фирмалари фаолияти тугатилмоқда. Даъволар икки ой муддатида қабул қилинади".

Шундан ҳам билса бўладики, ким ишлашни, тадбиркорликни эплай олмаса, тез орада муваффақиятсизликка учрамоқда. Одатда, кўпчилик елиб-югуриб, қийинчилик билан бирор-бир корхона ташкил этади. Аммо баъзилар майда-чуйда тўсиқларга бардош беролмай қарзга ботиб қолади. Шундан сўнг ҳуқуқи ва манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида идорама-идора зир югуришади. Баъзилари эса ҳокимликлардан рўйхатдан ўтишади-ю, бюджет ва мажбурий тўловлардан қочиб, уч-тўрт йиллаб фаолият кўрсатмайди. Натижада тегишли соҳа мутасаддилари хусусий корхона раҳбарларини излаш билан овора бўлишади.

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бундай нуқсонларнинг олдини олиш, зарар билан ишлаётган корхоналарни тезроқ тугатиш муҳимлиги ҳақида қатъий равишда таъкидлаб ўтди. Бундан ташқари, 1999 йили **"Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг низом жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу масалага доир қарори қабул қилган эди.

Шундан бери орадан уч йилдан зиёд вақт ўтди. Вилоят хўжалик суди маълумотлари шуни кўрсатадики, вилоятда ана шу фармон ва қарорнинг ижроси қониқарсиз аҳволда экан. Мазкур маълумотларда қайд этилишича, вилоятда жами 9649 нафар юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган. Шу йилнинг 5 ойида 642 та йирик, 219 та ўрта, 612 та кичик ва 8176 та микрофирмалар давлат рўйхатидан ўтказилган. Ҳозирги пайт шулардан 374 таси фаолият кўрсатмаётган экан. Бошқача айтганда, 1 та йирик, 4 та ўрта, 18 та кичик корхоналар ва 351 та микрофирмалар умуман ишламаяпти. Энди вилоят Марказий банкидан олинган маълумотларга диққат қилинг: вилоятдаги банклар томонидан рўйхатга олинган корхоналар сони 10314 тани, шундан фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 8757 тани, фаолият кўрсатмаётган корхоналар тўғрисида давлат солиқ инспекцияларига юборилган ахборотномалар сони 1499 тани ҳисоб варақлари ёпилган корхоналар сони 1204 тани ташкил этади.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ва туманларнинг давлат солиқ инспекцияларидан олинган маълумотларни кўздан кечирганимизда янада таажжубланарли рақамларга дуч келдик. Маълум бўлишича, 2002 йилнинг беш ойида вилоятда рўйхатга олинган корхоналар 10 минг 83 тага етказилган. Шу жумладан, фаолият кўрсатаётган корхоналар 8767 тани, фаолият кўрсатмаётганлари эса 1316 тани ташкил этади. Шунингдек, уларда тугатиш бўйича махсус комиссияларга юборилган тақдимномалар 783 та, банкрот деб эътироф этилгани учун судга юборилган аризалар 25 та, тугатиш жараёни якунига етказилмаган ишлар эса 360 та деб кўрсатиб ўтилган.

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, дафъатан рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги рақамларнинг қайси бири тўғри эканини аниқлашнинг имкони йўқ. Бу эса чалкашлик ва тушунмовчиликка сабаб бўлади. Қолаверса, шаҳар ва туман ҳокимликлари корхоналарни тугатиш тўғрисида ўз вақтида судга мурожаат қилишмаган. Мисол учун айтадиган бўлсак, корхоналарни тугатиш ҳақида шу йилнинг ўтган ойларида Навоий шаҳар ҳокимлиги 37 та даъво аризаси тақдим этган бўлса, Зарафшон шаҳар ҳокимлиги бор-йўғи 2 та даъво аризаси билан чекланган, холос. Бошқа шаҳар ва туман ҳокимликлари эса бу қарорни умуман эсдан чиқарганга ўхшайди. Бу тафовут аҳволнинг қандайлигидан далолат эмасми?

Халқимизда "касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади", деган ҳикматли мақол бор. Шундай экан, банкротга учраган корхоналарни ўз вақтида тугатиш ҳақидаги фармон ва қарор ижросини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради. У шак-шубҳасиз, халқимиз тараққиётига хизмат қилади. Бу эса масаланинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади.

**Ёркул УМАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Асрларга йўлдош обидалар*

Huquqiy savodxonlik sari

# СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

## УНГА НИСБАТАН ЭҲТИЁЖ ҚАЧОН ТУҒИЛАДИ?

Ҳуқуқий муносабатларда шартнома юзасидан олган мажбуриятларни бажариш учун қонунчиликда назарда тутилган турли усуллардан фойдаланилади. Гаров, кафиллик, кафолат, закалат шулар жумласидандир. Суғурта ҳам шундай ҳуқуқий воситалардан бўлиб, у ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бу ҳақда фикр юритишдан олдин шундай табиий савол туғилади: хўш, суғурта нима? У қандай ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига киради? Унга бехато амал қилиш тартиби қандай?

Бу саволларга жавоб бериш учун энг аввало, **"Суғурта тўғрисида"**ги Қонунга мурожаат қилсак, кўп ранса аён бўлади. Жумладан, мазкур қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, суғурта-инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий офатлар, фавқулодда ҳодиса ва бошқалар оқабатида етказилган зарар ҳамда талофатларни суғурта бадаллари (суғурта пули)дан ҳосил қилинадиган пул фондлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман қоплаш орқали юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлардир. Фуқаролик Кодексининг 920, 921- моддалари мазмунига кўра, суғурта ҳодисаси мулкий ва шахсий суғурта шартномасининг муҳим шартидир. **"Суғурта тўғрисида"**ги Қонуннинг 8-моддаси 2-қисмига мувофиқ эса, суғурта шартномасида ёки қонунда назарда тутилган воқеанинг юз берганлиги суғурта ҳодисаси ҳисобланади. Воқеа юз берганда суғурталовчининг суғурта қилдирувчи, наф олувчи ва суғурталанган шахсга суғурта ҳақи (тўлови) тўлаш мажбурияти юзага келади.

Қонунчилик талабларига кўра, суғурта ҳодисаси юзага келган деб ҳисоблаш учун қуйидаги ҳолатлар:

а) Суғурта шартномаси қонун талаблари доирасида тузилган ва суғурта бадали тўланган;

б) Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугамаган;

в) Суғурта ҳодисасининг вужудга келишига асос бўлган воқеа ҳақиқатдан юз берган, бу воқеанинг суғурта шартномаси ёки қонунда назарда тутилган бўлиши лозим.

Мазкур ҳолатларнинг бир вақтда юзага келиши суғурта ҳодисасининг тузилганлигидан далолат беради. Суғурта ҳодисаси юз бериши билан суғурта қилдирувчи зиммасида мажбурият пайдо бўлади. Фуқаролик Кодексининг 951-моддасига кўра, мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юз берганлиги маълум бўлгач, дарҳол суғурталовчи ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Мана шу жараёнда суғурталовчи зиммасига суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанувчига суғурта пули (товон) ни тўлаш мажбурияти юкланади.

Таъкидлаш лозимки, суғурта ҳодисасининг рўй бериши ҳар доим ҳам суғурталовчи зиммасига суғурта пули (товон)ни тўлиқ ҳажмда тўлаш мажбуриятини келтириб чиқармайди. Баъзи ҳолларда суғурталовчи суғурта пули (товон)ни тўлаш мажбуриятдан озод қилиниши мумкин.

Хусусан, Фуқаролик Кодексининг 953-моддаси 1-қисмига асосан, агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод этилади. Фуқаролик Кодексининг 954-моддасига мувофиқ, суғурталовчи, агар қонунда ёки суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва суғурта ҳодисаси радиация ёки радиактив заҳарланиш таъсирида ёхуд ҳарбий ҳаракатлар, машқлар оқибатида юзага келган бўлса, суғурта товонини ҳамда суғурта пулини тўлашдан озод қилинади. Шунингдек, суғурталанган мол-мулк давлат идораларининг талаби билан олиб қўйилса, мусодара қилинса, хатланса ёки йўқ қилиб ташланса, суғурталовчи кўрилган зарар учун суғурта товонини тўлашдан озод этилади.

Суғурта ҳодисасининг вужудга келиш ҳолати суғурта шартномаси ва қонунда қанчалик аниқ баён қилинган бўлса, тарафларда юзага келиши бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар масаласи ҳам шунчалик даражада аниқ ҳал этилишига эришиш мумкин. Бу борада вужудга келиши эҳтимоли бўлган муаммоларни ҳал этиш учун шартномавий муносабатларини тубдан ўзгартириш, шартнома тузиш, шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтариш керак.

**Олим РАЖАБОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Adliya tizimi

# СИРДАРЁ

**Адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорларнинг манфаатларини кўзлаб судларга моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан 62 миллион 383 минг 507 сўмлик 33 та даъво аризалари киритилди. Шу жумладан, 41 миллион 268 минг 719 сўмлик 23 та даъво аризаси қаноатлантирилди. Қолганлари судлар томонидан ўрганиб чиқилмоқда.**

* * *

**Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят адлия бошқармаси тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимликлари, хўжалик ва корхоналар, Давлат солиқ идоралари ҳамда бошқа идораларга 24 та тақдимнома, 19 та огоҳномалар киритди. Натижада 7 киши маъмурий жавобгарликка, 2 киши жиноий жавобгарликка, 26 киши интизомий жавобгарликка тортилди. Шу жумладан, 1 киши эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди.**

Tahlil ko`zgusi

# ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

**"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"**ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ширкат хўжалиги оила пудратчилар билан ҳисоб-китоб ишларини чек асосида амалга ошириши белгилаб қўйилган. Лекин чек тизимининг жорий этилганига тўрт йилдан ошиқ вақт ўтганига қарамасдан ҳанузгача айрим ширкат хўжаликларида чек тизими тўлиқ шаклланмаган. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ширкат хўжалиги раҳбарларининг шартнома талабига риоя қилмаслиги, оила пудратчилари билан тузилган ички хўжалик шартномаларида ҳуқуқ ва мажбуриятлар, пудратчиларни маҳсулот ишлаб чиқаришдан манфаатдорлиги аниқ белгиланмагани боис шартномавий муносабатларда кўплаб қонунбузилиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланмоқда. Вилоят адлия бошқармалари судларга оилавий пудратчилар ва фермер хўжаликлар фойдасига ширкат хўжаликлари ҳамда тайёрлов идоралари томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб бериш юзасидан даъво аризадарини киритган.

2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида ширкат хўжаликларидан 225,2 млн сўм келтирилган моддий зарарларни ундириш ҳақида 1408 та даъво аризаси, шу билан бирга 2,7 млн сўм ундириш ҳақида 9 та даъво аризаси судларга киритилди.

Хусусан, оила пудратчиларига етказилган 55 млн сўмлик моддий зарар ижарачилар фойдасига ундириб берилди.

Бундан ташқари, 1,3 млн сўмлик маънавий зарарни жисмоний шахслар чўнтагидан тўлайдиган бўлишди. Биргина Самарқанд вилояти адлия бошқармаси 163 та оила пудратчилари иш ҳақини оломаётгани ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларни аниқлаб судларга 93.942.571 сўмлик иш ҳақи ва 715.000 сўмлик маънавий зарарни ундириб бериш ҳақида Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари судига даъво аризаси киритган. Суд бу муаммони ҳам атрофлича кўриб чиқиб, даъвогарлар талабини тўлиқ қаноатлантирган.

Андижон вилояти Адлия бошқармаси 260 та оилавий пудратчига 10.407.556 сўм, Наманган вилояти Адлия бошқармаси 241 та оилавий пудратчига 36.369.546 сўм, Бухоро вилояти Адлия бошқармаси 243 та оилавий пудратчига 10.891.235 сўмни ундириб бериш мақсадида судларга даъво аризаси киритган.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманига қарашли Аҳмад Яссавий номидаги ширкат хўжалиги билан оилавий пудратчи О.Абдуллаев ўртасида имзоланган шартномага асосан пудратчи ширкат хўжалигига келишилган маҳсулотни етказиб берган бўлса-да, ширкат хўжалиги унга 367.200 сўм иш ҳақини 2002 йилнинг апрел ойигача тўламай келган. Пудратчи киритган даъво аризаси Чироқчи туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида кўрилиб, суднинг қарорига асосан Аҳмад Яссавий номидаги ширкат хўжалигидан оилавий пудратчи О.Абдуллаев фойдасига 367.200 сўм иш ҳақи ва 20.000 сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Шунингдек, хўжалик юритувчи суъбектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлимларига 2002 йилнинг 1-ярим йил якунига кўра, жами 702 та шартномавий муносабатларга оид шикоят ва аризалар келиб тушган. Шундан 348 таси фермер хўжаликлари, 249 таси оилавий пудратчи ва ижрачиларнинг етказиб берган маҳсулотлари ва бажарган ишлари учун ҳақини ололмасдан ёрдам сўраб қилган шикоят ва аризалардан иборат.

Баъзи ҳолларда ширкат хўжалиги раҳбарлари оилавий пудратчилар билан тузган ички шартномаларга кўра пахта хомашёсидан олинган чигитни қайта ишлаш натижасида пахта ёғи, кунжара ва бошқа маҳсулотлар билан оилавий пудратчиларни таъминлаши ҳам назарда тутилган. Лекин айрим ширкат хўжалиги раҳбарлари ушбу шартнома бандига риоя қилмасдан пудратчиларга пахта ёғи, кунжара ва бошқа маҳсулотларни етказиб беришда ҳам бир қанча нуқсонлар учрайди. Масалан, Каттақўрғон туманига қарашли Р.Исломова номидаги ширкат хўжалиги 2001 йилнинг пахта ҳосили ҳисобидан оила пудратчиларига арзон нархларда тарқатиш мақсадида 2000 кг пахта ёғини олиб келган. Аммо у бошқаларга сотиб юборилган. Шу тумандаги "Ҳақиқат" ширкат хўжалиги раҳбарлари "Каттақўрғон ёғ-мой" АЖдан олинган 33 минг килограмм пахта ёғининг фақатгина 3 минг килосини пудратчиларга арзон нархларда тарқатишган. Шундан 30 минг килограмм пахта ёғи туманидаги хусусий тадбиркор А. Бобоевга сотиб юборилган. Шунингдек, 40 минг килограмм шелуха маҳсулотларини ҳам оилавий пудратчиларга бермасдан тумандаги "Қоракўл" фермер хўжалигига ўтказиб юборилган.

Бундан ташқари, шу тумандаги А.Навоий номидаги ширкат хўжалиги раҳбарлари ҳам оилавий пудратчиларга арзон нархларда берилиши лозим бўлган 19.580 килограмм пахта ёғи, 75.400 килограмм шрот, 6.070 килограмм кунжара маҳсулотларини оилавий пудратчиларга тарқатмасдан "Бас-М" хусусий фирмасига пуллаган.

Бундай қонунбузарлик ҳолатларидан ҳам оилавий пудратчи ва ижрачиларнинг ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан лоқайдлик билан қараш ва менсимаслик мавжуд. Бу эса тараққиётимиз йўлида учрайдиган бундай тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш энг долзарб муаммолардан бири эканидан далолат беради.

**Таваккалжон ИМОМОВ,**
**Адлия вазирлиги бош маслаҳатчиси**

Islohot dovonlari

# БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ!

Халқимиз азал-азалдан пилла етиштириш билан шуғулланиб келади. Ҳозирги пайтда ҳам пиллачилик мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Шу боис халқимиз ипак қурти парвариши даврида унга ўзи яшаб турган уйини ҳам ажратиб беради. Бунинг натижаси ўлароқ, пиллакор ўз меҳнат маҳсулидан манфаат кўришни истайди.

Шу йилнинг 12 март куни Фарғона вилоят хўжалик судида пиллачиликка оид кўплаб муаммолар муҳокама этилди. Гап шундаки, судга Фарғона вилоят адлия бошқармаси Марғилон ипак қурти уруғи етиштириш акциядорлик жамиятининг манфаатини кўзлаб даъво аризасини киритган эди. Шу куни вилоят хўжалик судининг судяси Раҳматилла Бозоров раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида жавобгар — Фарғона вилоят "Пилла" акциядорлик бирлашмасидан 20.064.591 сўм асосий қарз, 10.730.762 сўм устама, жами 30.795.363 сўм ундириш тўғрисидаги даъво ариза батафсил муҳокама этилди. Мажлисда дастлаб даъвогар — Марғилон ипак қурти уруғи етиштириш акциядорлик жамияти раҳбари М. Муҳиддиновнинг фикри эшитилди. У томонлар ўртасида 2000 йилнинг 11 декабр куни ипак қурти уруғи етказиб бериш тўғрисида икки томонлама шартнома имзолаганлиги, шартномага кўра даъвогар томонидан ҳисоб варақ қоғози орқали 41.526.114 сўм қийматга эга бўлган 18.528 қути ипак қурти уруғи етказиб бергани, лекин жавобгар томонидан 21.461.523 сўмлик тўловларни амалга ошириб, қолган 20.064.591 сўмлик қисмини тўламасдан келаётгани, даъвогар жавобгарга бир неча бор ёзма равишда огоҳлантириш хатлари юборганини, бироқ ҳеч қандай натижа бўлмаётганини таъкидлади. Шунингдек, у маҳсулотлар билан қарзини ҳисоб-китоб қилаётгани ва томонлар ўртасида қарздорликни тасдиқловчи таққослаш далолатномасига кўра асосий қарздорлик 17.898.551.57 сўмни ташкил этаётганини ҳам баён этди.

Маълум бўлишича, ҳақиқатан ҳам, томонлар ўртасида тузилган шартноманинг 1,1 бандига асосан Марғилон ипак қурти уруғи етиштириш акциядорлик жамияти вилоят "Пилла" акциядорлик бирлашмасига 41.526.114 сўм қийматга эга бўлган 18.528 қути ипак қурти уруғи етказиб берган. Мазкур шартноманинг 4.4 бандига кўра вилоят "Пилла" акциядорлик бирлашмаси 2001 йилнинг 30 май кунига қадар маҳсулот қийматининг эллик фоизи, яъни 19 000 000 сўм бўнак ҳамда етказиб берилган маҳсулотнинг пулини қолган охирги маҳсулот жўнатилгандан сўнг уч ой ичида ўтказиб бериш мажбуриятини олади. Бироқ мазкур шартноманинг 5.2.1 бандини бажармаган ҳолда маҳсулот етказиб берувчи, яъни даъвогардан қабул қилиб олинган ипак қурти уруғи учун бўнак тўлови бўйича 12.334.313 сўм, якуний тўлов бўйича 9.127.210 сўм — жами 21.461.523 сўм тўловни амалга ошириб, қолган 20.064.591 сўм қисмини тўламаган.

Мазкур шартноманинг мажбуриятларини бажариш вақтида жавобгар томонидан шартнома шартлари қўпол равишда бузилади. Яъни жавобгар томонидан олинган ипак қурти маҳсулотлари учун тўловларни пул маблағи билан ҳисоб-китоб қилиш ўрнига даъвогарга 3.554.088,48 сўмлик маҳсулотларни берган. Томонлар ўртасида 2002 йилнинг 14 феврал куни ҳолатига кўра қарздорликни тасдиқловчи солиштирма далолатнома тузилади ва имзоланади. Бунга кўра жавобгарнинг асосий қарзи 17.898.551.67 сўмни ташкил этади.

Суд даъвогар — Марғилон ипак қурти уруғи етиштириш акциядорлик жамияти фойдасига жавобгар — Фарғона вилоят "Пилла" акциядорлик бирлашмаси ҳисобидан 17.898.551.67 сўмлик асосий қарз, 8.949 сўмлик устама — жами 26.847.826 сўм ундиришни лозим топди. Бундан ташқари, жавобгар 307.953.53 сўм давлат божи, давлат бюджетига 261.760 сўм, хўжалик судларининг ривожлантириш жамғармасига 46.164 сўм, алоқа харажатларига 2500 сўм тўлайдиган бўлди.

Суд "Хўжалик юритувчи субъектларнинг ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Президент фармонига асосан Фарғона вилояти "Пилла" акциядорлик бирлашмасининг масъул мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят Кодексининг 205-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари билан жиноят иши қўзғатиш ҳақида хусусий ажрим чиқарди.

Суд ҳал қилув қарори бу борадаги баҳс-мунозараларга чек қўйиш ўрнига уни баттар авж олдирди. Шу сабабли Фарғона вилоят "Пилла" акциядорлик бирлашмасининг апелляция шикояти ва вилоят прокурорининг апелляция протести асосида вилоят хўжалик суди апелляция судлов ҳайъати шу йилнинг 24 май куни мазкур масалани яна қайта кўриб чиқди.

Даъвогар — Марғилон ипак қурти уруғи етиштириш ҳиссадорлик жамияти вакили апелляция судлов ҳайъати суд мажлисида кўрсатма бериб, биринчи босқич судининг қарорини бажариш мақсадида даъвогарнинг қарзини беркитиш учун тарафлар ўртасида келишув битими тузилганини ва суддан ушбу келишув битимини тасдиқлаб беришни сўрайди. Вилоят хўжалик судининг апелляция судлов ҳайъати тарафларининг кўрсатмаси, прокурор фикрини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни муҳокама этиб, жавобгар — Фарғона вилоят "Пилла" ҳиссадорлик бирлашмасининг апелляция шикояти ва вилоят прокурорининг апелляция протестини қаноатлантирмасликни, вилоят хўжалик судининг 2002 йил 12 март кунги 15-02-08//69-сонли ҳал қилув қарори ва хусусий ажримни ўзгартирмасликни, тарафлар ўртасидаги тузилган келишув битимини тасдиқламасликни лозим топди.

Шунингдек, суд томонидан Фарғона вилоят "Пилла" ҳиссадорлик жамияти бирлашмасининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари айланмаси ўрганиб чиқилганда жавобгарнинг ҳисоб рақамидан бирлашманинг "Савдо тижорат маркази"га мато учун 23 000 000 сўм, хусусий тадбиркор М. Мунавваровга 4500 000 сўм, хусусий тадбиркор Т. Қосимовга 3000 000 сўм, хусусий тадбиркор А. Солиевга 1.023.750 сўм пул маблағи (жами 31.023.750 сўм) ўтказилгани аниқланди. Улардан сотиб олинган 3.554.088 сўмлик ҳар хил турдаги маҳсулотлар қарз ҳисобидан даъвогарга берилган. Кўриниб турибдики, жавобгарда даъвогар билан 2000 йилнинг 11 декабр куни имзоланган шартноманинг талабларини бажариш имкони мавжуд бўлган. Бундан ташқари, Фарғона вилоят хўжалик суди томонидан вилоятда пилла етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг даъво аризаларини ўрганиб чиқиш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда 2000 йил давомида 25 та, 2001 йилда эса 53 та хўжалик ишлари бўйича жавобгар сифатида суд ишига жалб этилган. Жавобгар — Фарғона вилоят "Пилла" ҳиссадорлик бирлашмасидан жами бўлиб 24.576.140 сўм миқдорда устама ва суд харажатлари ундирилган. Бундай низоларни судгача келиб чиқишига сабаб, пилла маҳсулотлари учун тўловлар аксарият ҳолларда раҳбарларнинг хизмат вазифасига совуққонлик билан қараши бирлашмага ана шундай қимматга тушмоқда. Бунга кўп ҳолларда тўлов амалдаги қонун талабларига зид равишда маҳсулот бериш йўли билан амалга оширилаётганини қўшсак, аҳволнинг нақадар аянчли эканини илғаб олиш қийин эмас.

Қиссадан ҳисса шуки, ипак қурти парвариши ва уни тайёр хомашёга айлантириш жараёни пиллакордан кўп меҳнат талаб этади. Баён этилган суд жараёнида аниқланган муаммолар эса бу борада кўплаб чигалликлар мавжудлигини кўрсатади. Ўйлаймизки, мазкур муаммоларни бартараф этишга мутасадди ташкилотлар бажонидил бош қўшадилар. Чунки пиллачилик халқимиз фаровонлигининг асосий манбаларидан бири саналади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Savol va saboq



# ОДАМЛАР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ?

Мазкур сарлавҳа газетамизнинг доимий ўқувчиларига яхши таниш бўлиб қолди. Зеро, кейинги пайтларда **"Менинг мактубимни "Одамлар нега шикоят ёзади?" сарлавҳаси остида чоп этишингизни сўрайман",** деган мазмунда ёзилган мактублар ҳам кела бошлади. Муайян сабабларга кўра, мазкур сарлавҳали мақола газетанинг бир неча сонидан буён эълон қилинмаётган эди. Газетамиз муштарийлари бунинг сабабини тушунтириб беришимизни сўраб мактуб йўллай бошлашди. Уларнинг саволларига жавоб тариқасида шуни айтиб ўтишимиз жоизки, таҳририят ушбу мавзудаги мақолаларни тўхтатиб қўйиш режасини тузмаган ва бизга ишониб мактуб йўллаган муштарийларимизнинг шикоят-аризалари ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ.

Энди одатдагидай муштарийларимизнинг мактублари мазмуни билан танишайлик. Таҳририятга Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани, "Сурхон" ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Лариса Холмирзаева (Толмачева)дан шикоят аризаси келиб тушди. Аризанинг қисқача мазмуни қуйидагича:

***"Мен 1999 йилнинг 10 августида Холмирзаев Музаффарга турмушга чиқдим. Бирга яшаган давримизда қизли бўлдик. Оиламга эримнинг қариндошлари аралашуви ва бошқа сабаблар билан 2000 йилда турмушимиз бузулди. Эрим мени калтаклаб, тан жароҳати етгазган бўлишига қарамасдан, ўша йили эълон қилинган амнистия актига дахлдор бўлгани сабабли жиноят иши қўзғатиш рад этилди. Мен ҳам якка-ю ягона фарзандимнинг отаси сифатида собиқ эримни жазоланишини истамас эдим. Шунинг учун ҳам бу қарорга норозилик билдирганим йўқ.***

***Хуллас, эрим билан қонуний ажрашганимиздан сўнг фуқаролик ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2001 йил 12 октябрдаги ҳал қалув қарори билан жавобгарлар Ф. Холмирзаева, Н. Ҳомидбоевлардан менинг фойдамга 790000 (етти юзу тўқсон минг) сўм ундириб берилиши керак эди. Даъво қилаётган нарсаларимнинг ҳаммасини онам келинлик сепимга қўшган. Мен бу ҳақдаги мавжуд барча ҳужжатларни судга тақдим этганман. Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди судъяси Дилором Алмуратова ишга қонунан ва ҳалоллик билан ёндашиб, менинг фойдамга ҳал қилув қарори чиқарди. Албатта, жавобгар томон ҳам қараб тургани йўқ. Уларнинг аппеляция тартибида ёзган шикоятлари 2002 йилнинг 5 февралида кўриб чиқилиб, яна менинг фойдамга ажрим чиқарилди. Ушбу инстанцияда ҳам судья Назокат Қурбонова қонун ва ҳалолликка амал қилди. Санаб ўтилган ҳал қилув қарори ва ажримга биноан Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси катта суд ижрочиси О. Қодиров 2002 йилнинг 13 мартида менинг фойдамга жавобгарлардан 790000 (етти юзу тўқсон минг) сўм ундириш ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ минг афсуски, бу қарор қонуний кучга кирмади. Яъни, мен шу кунга қадар жавобгарлардан бирор сўм ҳам ололганим йўқ. Менинг, саксон ёшли бобомнинг югуришлари зое кетди...***

***Ҳурматли таҳририят ходимлари, сизлардан илтимос, ушбу фуқаролик ишини қонуний ҳал қилишда менга ёрдам берсангизлар."***

Халқимиз айтганидек, қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам. Лекин шикоятчи ўз мактубига илова қилган ҳужжатлар билан танишар эканмиз, унинг ҳақ эканига гувоҳ бўлдик. Чунки фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди судъяси Д. Алмуратованинг ҳал қилув қарори, Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти апелляция судининг ажрими, Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси катта суд ижрочиси О. Қодировнинг қарорлари ҳамда бизга йўлланган мактубга илова қилинган гувоҳларнинг тушунтириш хатлари ҳақиқат Л. Холмирзаева томонида эканини кўрсатиб турибди.

Энди, мана шу ўринда шундай саволнинг туғилиши шубҳасиз: Агар Л. Холмирзаева ҳақ экан, унинг ҳақлиги қонунан белгилаб берилган экан, яна нимадан норози бўлиб таҳририятга шикоят хати йўллади?

Биз ҳам шикоят мактубидан айнан мана шу саволга жавоб ахтариб кўрдик. Буни қарангки, орадан шунча вақт ўтаётган бўлишига қарамасдан суднинг ҳал қилув қарори ва апелляция судининг ажрими ижро қилинмаган. Шунингдек, жавобгарларнинг талабларига кўра, 2002 йилнинг 21 июнь куни фуқаролик ишини яна Термиз туманлараро судининг раиси М. Каримжонова кўриб чиққан ва ***«ушбу ишга нисбатан Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан назорат тартибида протест келтирилган. Шу сабабли иш қонуний ҳал этилгунга қадар ушбу иш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори ва ажрим ижроси кечиктирилади»,*** деб ажрим чиқарган.

Ана шу ажримдан сўнг Л. Холмирзаева таҳририятга мурожаат этган.

Изоҳ сифатида шуни қўшимча қиламизки, ушбу мақоламиз газетада чоп этилгач, фуқаро Л. Холмирзаеванинг саволлари Сурхондарё вилояти ҳуқуқ тартибот идораларида фаолият кўрсатаётган мутасаддиларнинг эътиборини тортса ва шикоятчининг сарсон-саргардонликларига чек қўйилса ажаб эмас.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани Эркин фуқаролар кенгашига қарашли Ю. Абдувалиев кўчаси, рақамсиз уйда истиқомат қилувчи муштарий Руқия Топилдиеванинг шикоят аризаси ҳам Л. Холмирзаеваникига ўхшаб кетади. Ушбу шикоятда ҳам мулк, аниқроғи, уй-жой масаласида бир неча йилдан буён давом этиб келаётган мажоро қаламга олинган:

***"Мен 1989 йилгача акам Баҳовиддин Топилдиевнинг уйида яшаганман. Аслида бу уйни ҳам акамга 1976 йилда отам Бакир Топилдиев сотиб олиб берган эди. 1989 йилда турмушга чиқдим ва уй рўйхатидан чиқиб кетдим. Акамнинг уйи 13 сотих ерга жойлашган бўлиб, унинг орқа томонида 6 сотих ташландиқ жой бор эди. Турмуш ўртоғим Зулқайнар Абилхайиров билан биргаликда ана шу ташландиқ жойдан уй қурдик. Албатта, бу бир кунда бўлгани йўқ. Уй қуриш жараёнида туман ҳокимлигига ариза бериб қўйган эдим. Ва ниҳоят, 1997 йилнинг 23 сентябрида туман ҳокимлигининг "уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш" тўғрисидаги 340-а сонли қарорига биноан мен бу уй-жойнинг ҳақиқий эгасига айландим.***

***Афсуски, хурсандлигим узоққа чўзилмади. 1998 йилнинг 17 апрел кунида Зангиота туман судининг менга туман ҳокимлиги томонидан берилган уй-жойга эгалик ҳуқуқи ноқонуний белгиланганлиги ҳақидаги қарорини келтириб беришди...***

***Илтимос, ҳақиқат ўз ўрнида қарор топиши учун ёрдам берсангизлар..."***

Қизиқ, кимдир узоқ йиллар давомида уй қурса, буни қўни-қўшни, қариндош-уруғ, ошна-оғайнилар кўрган бўлса-ю, бугунга келиб уларнинг барчаси томошабин бўлиб тураверса? Р. Топилдиева таҳририятга йўллаган шикоят хатига ҳам бир қанча ҳужжатлар илова қилинган. Биз бу ўринда бировнинг ҳақ ёки ноҳақлиги ҳақида фикр билдирмоқчи эмасмиз. Якуний сўзни албатта суд айтади. Мулоҳазамиз қуйидагича: шикоятчи қаламга олган муаммо туман миқёсида ҳал бўлиши мумкин эди-ку? Нега энди Р. Топилдиева бугун таҳририятнинг эшигини қоқиб келди? Агар унинг сўроқларига Зангиота туманидаги мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарлари ўз вақтида жавоб берганида эди, таҳририятга шикоят мактуби йўлланмаган ва биз ҳам ушбу сатрларни қоралаб ўтирмаган бўлардик.

Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Й. Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигининг Арабча қишлоғида истиқомат қилувчи Гулшан Рўзиеванинг мактуби ҳам бизни ўйлантириб қўйди.

Келинг, ушбу мактуб мазмуни билан ҳам сизларни таништириб ўтайлик:

***"1992 йилда амакиваччам Фахриддин Рўзиевга турмушга чиқдим. Бирга яшаган пайтимизда уч нафар фарзандли бўлдик. Афсуски, икки нафар фарзандим нобуд бўлди. Ҳозирда Улуғбек исмли ўғлим бор. Биз қишлоқда яшадик. Турмуш ўртоғим Тошкентда ўқиди. Соддалигимизни қарангки, уни Тошкентда уйланиб олганини билмай юраверган эканмиз.***

***У 2000 йилнинг 12 декабрида фуқаролик ишлари бўйича Шофиркон туман судига мурожаат қилиб, муддатсиз ажрашиб кетган экан. Орадан олти ой ўтгандан кейин хабар топдим...***

***Ҳозирда ўғлим билан отамнинг уйида яшаяпмиз. Оилада ўн икки жонмиз. Моддий аҳволимиз ҳам ҳавас қиларлик эмас. Ўғлим Улуғбекнинг отаси бугунги кунда Тошкентда ишлаяпти. Аммо ўғлидан бирор марта хабар олгани йўқ. Олий маълумотли, бугунги кунда аспирантурада таълим олаётган ва нуфузли идоралардан бирида фаолият кўрсатаётган собиқ турмуш ўртоғимнинг бу ишларини қандай баҳолаш мумкин? Ўғлим билан менинг айбим қишлоқда туғилганимиз ва қишлоқда яшаётганимизми? Ахир, турмуш ўртоғим талаба бўлган пайтида унга биз ёрдам бериб турар эдик-ку? Нега энди у ўз фарзандига ёрдам қўлини чўзмайди?.."***

Биз Гулшан Рўзиеванинг мактубини тўлиқ келтириб ўтирмадик. Унинг ҳар бир сатридан юракка оғриқ тушади. Тўғри, мана шундай оилалар ва одамлар ҳақида эшитганмиз, ўқиганмиз. Уларнинг кейинги тақдирлари қандай кечиши ҳақида ҳам озми-кўпми тасаввурга эгамиз. Наҳотки, Г. Рўзиеванинг собиқ турмуш ўртоғи ўз пушти камаридан бўлган фарзандининг тақдирига шунчалар лоқайдлик билан қараса? Биринчи оиласи ва фарзандига нисбатан ўзини шундай тутаётган ота ва эрдан кейинги оила рўшнолик кўрармикан? Қолаверса, фуқаролик ишлари бўйича Шофиркон туман суди қайси қонунга асосан никоҳни бекор қилди экан? Тўғри, бизда никоҳ бекор қилинмасин, деган қонун йўқ. Лекин айни мана шундай ҳолатда икки томоннинг ҳам бирдек ҳуқуққа эга бўлишини ҳаммамиз биламиз-ку? Нега энди Г. Рўзиева судга таклиф этилмади. Турмуши бузилганини олти ойдан кейин билди? Албатта, бу саволларимиз ҳам жавобсиз қолмайди, деб умид қиламиз.

Навбатдаги шикоят хатини Жиззах вилояти, "Пахтакор" туманининг А. Қодирий номидаги кўчанинг 2-уй, 6-хонадонда яшовчи Мастура Абдураззоқова йўллаган:

***"2001 йилнинг 23 майидан 24 майига ўтар кечаси тунги 1.30 ларда қўшнимизнинг уйидан ёнғин чиқиб, бир нечта уй ёниб кетди. Туман ҳокимлиги, туман суғурта идорасидан вакиллар келиб, "сизларга ёрдам берамиз, ҳозирча ўзларинг имкон даражасида уй-жой қуриб олаверинглар", деб кетишди. Биз қариндош-уруғ, таниш-билишлардан қарз кўтариб, бошпана қурдик. Бироқ кейинчалик на ҳокимиятдан, на суғурта идорасидан бирор тийинлик ёрдам бўлмади. Эшитишимизга қараганда, ёнғиндан сўнг уйи ёниб кетганларга моддий ёрдам ажратилган экан. Мана шу ажратилган моддий ёрдамни ким ўзлаштириб юборганини аниқлашимизга ёрдам беришларингизни сўрайман..."***

Такрор бўлса ҳам яна ўша мулоҳаза: М. Абдураззоқова нега таҳририятга мактуб йўллади? У бизга бераётган саволлари билан маҳаллий раҳбарларга мурожаат қилиши мумкин эди-ку? Балки мурожаат қилгандир ҳам, лекин кўнгилдагидай жавоб ола олмагач, сўнгги умид сифатида таҳририятга мактуб йўллаган. Тўғри, биз ёниб кетган уйлар учун маълум бир маблағ ажратилган ва уни кимдир ўзлаштириб кетган, деган аниқ маълумотга эга эмасмиз. Ҳар ҳолда туманда ёки жамоа хўжалигида кимнингдир бошига кутилмаган кулфат тушса, ҳеч ким қараб турмайди. Айниқса, ўзбеклар ҳашар йўли билан бўлса-да, ёрдами қўлини чўзади. Нега энди "Пахтакор" туманида бундай бўлмади? Нега раҳбарлар шикоятчининг арз-додларига қулоқ солмади? Бу саволларга ҳозирча жавоб йўқ.

Мақоламизга якун ясашдан олдин одатий саволни яна такрорлашни лозим топдик: одамлар нега шикоят ёзади?

**Ислом ҲАМРО,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Mushohada

# ЭЗГУЛИК ИБТИДОСИ

Қуш уясида кўрганини қилади, деган нақлни кўп эшитганмиз. Уни ортиқча изоҳлашнинг ҳожати йўқ. Халқимизда мазкур нақлни бирор яхши ёки ёмон иш қилиб қўйган кишига нисбатан айтишиб, буни унинг оиласидаги муҳит билан боғлаб талқин этишади. Албатта, бу нақл аллақачон ҳаёт чиғириғидан ўтган. Лекин шу ўринда танганинг иккинчи томонига ҳам эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Хўш, "қуш" — инсон боласи "уя"сида кўрмаганини қилмайдими? Дабдурустдан берилган бу саволга айниқса бугунги кунда бирор жўялироқ жавоб бериш мушкул. Айтиш жоизки, "уя"сида кўрмаганини қилиш ёки қилмаслик етти-саккиз ёшли бола руҳиятидаги ҳавас аталмиш туйғу билан боғлиқдир. Чунки бу ёшдаги бола руҳияти қизиқувчан ва атрофдагиларга бефарқ бўлмаган ҳолда бўлади. У теварагидаги кўзига гўзал кўринган нарса (ҳолат)-га ҳавас нигоҳи билан боқади. Лекин ҳавас туйғуси бола кўнглида турли тарзда кечиши мумкин. Келинг, сўзимизни мисол билан далиллашга уриниб кўрайлик. Деярли ҳар бир киши ёшлигида ақалли бирор марта бўлса-да, онасидан тарсаки еганини рад қилолмайди, тўғрими? Бир танишим ёшлигини эслаган чоғида доимо қуйидаги воқеани кўпроқ ёдга оларди. Унинг айтишича, ҳали мактабга бормайдиган пайтлари онаси билан бозорга боради. Мева-чева растасига етганида у сотувчининг кўзини шамғалат қилиб, битта шафтолини чўнтагига уради. Савдо билан овора бўлган онаси ҳам унинг бу ҳаракатини сезмай қолади. Бироқ бозордан чиққандан сўнг ўғлининг чўнтаги дўппайиб турганини кўрган онаси ундан "бу нима?" — деб сўрайди. "Шафтоли" дейди ўғил эшитилар-эшитилмас овозда ерга қараганча. Шу асnода онасининг "қаердан олдинг?" — деган саволига бераётган жавоби тугамасданоқ ўғилнинг юзига тарсаки тушади. Лекин ўғил негадир йиғламайди. Чунки у отаси айтиб берадиган маталларда "ўғирлик ёмон иш" эканини беш-олти ёшли бола онги даражасида ҳис этган эди. Балки у "ўғирлик ёмон иш" эканини билиб туриб, бу ишга қўл ургани учун йиғлай олмагандир. Нима бўлганда ҳам, у уйига келгач, отасига бор воқеани айтиб бериш жараёнида "ҳавасим келган эди", деганини айтганди.

Кўриниб турибдики, онасидан еган тарсакиси танишимга бир умрлик сабоқ бўлиб келаяпти. Чунки ёшлик даврида ҳар хил воқеалар кўп бўлади. Лекин сабоқ бўладиган баъзи воқеалар киши хотирасидан ҳеч қачон чиқиб кетолмайди. Тўғрироғи, инсон уларни эсидан чиқара олмайди.

Ёки бир фильмдаги катта ва кичик ёшли ўқувчиларнинг ўзаро суҳбатини ёдга олиш жоиз. Унда мактабни тугатгач, бирор олий ўқув юртига ўқишга кириш орзусида юрган ўсмир кичик ёшли болакайдан "сен нимани орзу қиласан", деб сўраганида, у "қанийди, менда ҳам сеникидек чиройли пальто бўлса...", дейди ҳавас билан. Шунда ўсмир шартта пальтосини ечиб, болага беради-да, "ма, ол, фақат бундан кейин каттароқ нарсаларни орзу қил", дейди. Бу эса мурғак кўнгилнинг беғубор ҳаваси эди.

Айтиш керакки, келтирилган ҳар икки мисол сабр қилса, кейинчалик (ва ҳатто тез фурсатда) эришиш мумкин бўлган орзу-ҳавас турига киради. Бироқ ҳавас қилишнинг яна бир тури мавжудки, уни шартли равишда "болаларча ҳавас" дейиш мумкин. Бунга оиласида ҳеч ким ҳеч нарса чекмайдиган (ичмайдиган) ёш болаларнинг сигарет чекаётган (спиртли ичимлик ичаётган) киши ва шу каби бошқа ҳолатларга бўлган ҳаваси (балки қизиқиши) киради.

Биз кун сайин тараққий топаётган ва тобора глобаллашаётган жамиятда яшаяпмиз. Таъкидлаш керакки, бугунги кун кишиси телевидение орқали етти иқлимда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бир зумда воқиф бўлиш имкониятига эга. Бу яхши, албатта. Лекин бу каби керакли жараённи бир четга суроиб қўйиб, турли хилват жойларда ноқонуний равишда беҳаё фильмлар қўйилиб, ҳаёт мазмунини энди-энди илғай бошлаган ўсмирларни ўзига чорлаётган ва оқибатда оиласидагилар қуршовида қўл қовуштириб турадиган фарзанднинг кўчада "бошқа одам"га айланаётгани ҳақида қайси ота-она эшитмаган дейсиз? Афсуски, чекаётган кишига ҳавас қилиб чекиш ёки хилватда мириқиб "томоша" кўрганини ўртоқларига айтиб, уларнинг "ҳавас"ини келтириб айтилаётган сўзлар замирида аслида келажакни ботқоққа етакловчи худбин мақсад ётганини ёшлик руҳияти англай олмайди. Буни ота-оналар фарзандлари онгига оила тарбиясида чуқур сингдиришлари зарур.

Айтиш жоизки, бировда мавжуд бўлган нарса (буюм, хусусият)ни ўзига олиб қўйиш эмас, ўзгада бўлган нарсанинг ўзида ҳам бўлишини ният қилишгина ҳақиқий ҳавас туйғусидир. Ҳавас эса эзгулик ибтидоси. Лекин инсон улғайгани сари унинг қалбидаги бирор нарсага бўлган иштиёқ ҳам ўсиб бораверади. Оқибатда баъзан дилдаги ҳавас ўрнини ҳасад туйғуси ҳам эгаллаб олиши мумкин. Алалхусус, фарзанднинг "уя"сида кўрмаганини қилиш ёки қилмаслиги оиладаги муҳит билан чамбарчас боғлиқдир. Оилада соғлом муҳит мавжуд экан, фарзанд қалбидаги беғубор ҳавас ҳасадга айлана олмайди.

**Шерали НИШОНОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**



*Капалак қувончи*

Mitti maslahat

## ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛМАНГ!

**Оила мустаҳкамлиги ҳар бир жамиятда муҳим аҳамият касб этади.**

**Афсуски, ҳаётда баъзан ота-оналик бурчларини сидқидилдан бажармаётган, нопок йўлга кириб, фарзандлари тарбиясига раҳна солаётган кимсалар ҳам учраб туради. Амалдаги қонунларимизда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш сингари бир қатор таъсир чоралари белгиланганки, бу ўз навбатида ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган шахсларни ҳушёрликка ундайди.**

**Албатта, ота-оналик ҳуқуқи фуқароларнинг энг олий ва дахлсиз ҳуқуқларидан бири ҳисобланиб, улар бу ҳуқуқдан қонунда аниқ белгилаб қўйилган асослар мавжуд бўлган алоҳида ҳолларда охирги чора сифатида маҳрум қилиниши мумкин.**

**Оила Кодексининг 79-моддасига кўра, ота-она ёки улардан бири асослар мавжуд бўлган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин эканлиги қайд этилган:**

**биринчидан, ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бош тортган, шу жумладан, вояга етмаган болаларга алимент тўлаш мажбуриятидан бўйин товлаган;**

**иккинчидан, узрсиз сабабларга кўра, ўзининг боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш, тарбиялаш, аҳолини ҳимоя қилиш муассасалари, шунингдек, бошқа муассасалардан олишдан бош тортган;**

**учинчидан, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилган, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлган, жумладан, жисмоний куч ишлатган ёки руҳий таъсир кўрсатган;**

**тўртинчидан, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган;**

**бешинчидан, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган ота-оналар.**

**Албатта, ҳеч ким беҳудага ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмайди. Бунинг учун ота-онанинг хулқ-атворида айб мавжуд бўлиши шарт. Фақат муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган ота-оналар, айблари бор-йўқлигидан қатъи назар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Чунки бундай ота-оналарнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати болаларнинг тарбиясига салбий таъсир ўтказиши турган гап.**

**Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, инсон ҳаётда фарзандим деб яшайди, унинг орзу-ҳавасини кўришни истайди. Бундай ўйлаб қарасак, ҳаётда фарзанд қувончидан ортиқ бахт йўқ. Демак, ана шу бахтни авайлаб яшаш, ота-она деган улуғ номни эъзозлаш — бу инсоннинг ўзини, бугуни ва келажагини асрашдир.**

Jinoyat va jazo

# НАФСНИНГ ЁМОНИ — БАЛОНИНГ КОНИ

Баҳорнинг сўнгги кунларидан бирида йўлга отланган деновлик Холиқул Тўрахонов ўз бошқарувидаги "ЗИЛ-130" русумли юк машинасини Деҳқонобод туманига боргач, чўл томонга бурди. Чунки у Деновда юрган пайтидаги ўзаро гурунглардан бирида шу тумандаги Қизилча қишлоғи атрофида арзон бензин сотилишини эшитган ва шунинг учун эрта тонгдан йўлга тушганди.

Мўмай даромад илинжида кетаётган Холиқул айланма йўлнинг бир четида турган болаларга гап қотди:

— Ҳу, йигитлар, шу яқин атрофда бензин сотилади, деб эшитгандим. У ерга қандай етиб борса бўлади?

— Кўпроқ олмоқчисиз шекилли? — деди болалардан бири.

— Ҳа, икки тоннача оламан. Тижоратнинг майдаси билан иш битмайди. Узоқ юртдан келаяпман, — деб очиғини айта қолди Холиқул.

— Тахминан 35 километр юрсангиз, Қизилча қишлоғига борасиз. Ундан сўнг кунботар томонда чўл бошланади. Яна 5-6 километр йўл боссангиз, ўша ерда "мижоз"ларни учратасиз,— деб ҳозиржавоблик қилишди болакайлар.

Холиқул ўз бошқарувидаги машинани чўл томонга бурди. Бироз юргач, кимсасиз ўркачли қум барханлари ўртасида тўхтаб турди. Орадан бирон соат ўтиб, узоқдан мотоцикл овози ва бир қора кўринди. "Бензинфуруш"лардан бўлса керак, деб ўйлади у ўзича. Адашмаган экан, "ИЖ" русумли мотоцикл ҳайдовчиси тўғри унинг ёнига келиб тўхтади-да:

— Мабодо бензин олмайсизми, — деб ўсмоқчилаб сўради.

— Ҳа-да, бензин учун келганман Сурхондарёдан. Бўлмасам, бу чўлда менга пишириб қўйибдими, ука?

— Қанчадан оласиз? — деб сўради бояги йигит.

— Билмасам, биз томонларда нархини 120 сўмдан кам олса бўлади, дейишганди?

— Ака, нима бало, осмондан тушганмисиз? Бир литри 200 сўм турадиган молнинг нархини бирдан қумга кўмиб ташладингизку!

— Мен эшитганимни айтдим, холос. Ука, келинг, савдолашайлик. Сиз ҳам менинг Деновдай узоқ бир юртдан келганимни ҳисобга олинг. Бироқ харажати ҳам ошиб тушмасин-да. Ҳаммада ҳам тирикчилик, рўзғор бор, деганларидек... Бир-икки сўм топайлик, деб бу чўлларга Сурхондарёнинг нариги ёғидан келганмиз.

— Литри 140 сўмдан. Бўлиши — шу. Хоҳласангиз, кечқурун шу ерга олиб келаман. Ўзи қанча олмоқчисиз?.

— Икки тоннадан ошиқроқ. Ука, сал инсоф қилинг. Нархини ошириб юбордингиз. 130 ҳам сал оғирроқ қилади.

— Ака, бу ер чўл. Бозор эмас. Ушлаб олишса, икковимиз ҳам сиртмоққа илинамиз. Гапнинг бўлари — ўша нарх. Хоҳласангиз шу, хоҳламасангиз, чор тарафингиз қибла, дея мотоциклни ўт олдирди йигит.

— Ука, шошманг, шошманг, майли, розиман. Қачон олиб келасиз? — деганча тайёр молдан ажраладигандек илтижо қилди Холиқул.

— Кечаси соат ўн бирларда шу ерда кутиб туринг. Бошқа биров бензин таклиф қилса, олмайсиз. Тушундингизми, савдомиз бузилмасин. Агар бузиладиган бўлса, сизни керакли жойга етказаман-а...

Холиқул Тўрахонов бу таклифга бажонидил рози бўлиб, уни кутиб туришини айтди. Вақт алламаҳал бўлганида узоқдан кўринган машина чироқлари унинг орзуси амалга ошишидан нишона эди. Холиқул ниҳоят нотаниш "Газ-52" русумли юк машинасидан 2100 литр бензинни 294 минг сўмга харид қилди-ю, Денов томон йўл олди.

Бироқ мамлакат бедарвоза эмас. "Дарбанд" йўл патрул хизмати масканида ноқонуний бензин ортилган юк машинаси тўхтатилиб, Холиқулнинг барча нияти чиппакка чиқди.

— Ҳужжатларни кўрсак бўладими? — деб сўрашди ички ишлар бўлими ходимлари ундан.

— Мана ҳужжатларим, — Холиқул шундай дея елим халтага ўралган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва машинанинг техник паспортини ходимга узатди.

— Ҳм, булар тўғри. Лекин машинадаги юкнинг ҳужжати борми? Нима ортгансиз? — дея машина кузовига ўрнатилган тўртбурчак идишнинг қопқоғини очиб кўрди назоратчи.

— Бензин ортганман. Аммо ҳужжатини олишга улгурмадим. Экспедициямиз раҳбари кетиб қолган экан, — дея ёлғон гапирди Холиқул.

Ёлғоннинг умри ҳар доим калта бўлган. Қинғир йўллар билан бензин олиб, уни қиммат нархда сотишга уринган Холиқул Тўрахоновнинг "бензинфуруш"лиги шу ерда барҳам топган эди. Денов туманидаги "Ҳазорбоғ" жамоа хўжалигининг "Чим" маҳалласида истиқомат қилувчи, "Сурхондарётрансэкспедиция" корхонасида шартнома асосида ишлаётган Холиқул Тўрахонов энди 2100 литр бензин ва ўзининг севимли ишидан ажраладиган, боз устига қинғирлиги учун суд олдида жавоб берадиган бўлди. Нафснинг ёмони — балонинг кони, деб шунга айтсалар керак-да...

**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Jaholat

# НАДОМАТ ТЕРАКЛАРИ



Шу йилнинг 24 март куни Учқўрғон туманидаги Янгиер қишлоғида нохуш воқеа юз берди. Ҳуснида Отабоева оғир тан жароҳати сабабли ўз уйида вафот этди. Эндигина йигирма саккиз баҳорни қаршилаган жувоннинг орзу-ҳавaслари жуда кўп эди. Бироқ унинг бу орзу-хаёлларини ажал қуюни ўчириб, ўзини эса чин дунё сари олиб кетди.

Учқўрғон туман суд-тиббий экспертиза бўлимининг 14-сонли хулосасини ўқиб чиқиб, аёл баданига етказилган тан жароҳати тўмтоқ ёки санчувчи жисм таъсирида юзага келган, деган маълумотларни олдик.

Хўш, хотиннинг нима айби борки, эр уни шу даражада дўппосласа? Унга нисбатан шу қадар шафқатсизлик қилса?

Таваккал Отабоев Ҳуснида билан 1997 йилда турмуш қурган бўлиб, уларнинг бир нафар фарзанди ҳам бор. Таваккал 23 март куни бозордан яхши ниятда терак кўчати сотиб олади. Пешинга яқин уйга келиб, хотини билан терак кўчатларини экишни бошлайди. Лекин улгургунларича кеч ҳам тушади. Хотини чарчаб қолдим, қолганини эртага экайлик, дейди.

Шунда у бунга кўрслик билан жавоб беради ва хотин зарда қилиб уйга кириб кетади...

Халқимиз эр-хотиннинг уруши — докарўмолнинг қуриши, деган бўлса-да, бу сафар докарўмолнинг қуриши осон бўлмади. Таваккал билан Ҳуснида дастурхон устида яна терак масаласида тортишиб қолди.

— Терак кўчатларини экиб қўйсак яхши бўлар эди, — дея эзмаланди эр устига-устак.

— Савил қолсин ўша теракларингиз, — деди хотини ҳам тап тортмай.

— Нега ундай дейсан! — дея ўшқирган эр хотиннинг устига бостириб бориб, унга шапалоқ тортиб юборди. Икки ўртада даҳанаки жанг бошланди. Эр жаҳл отининг эгарига маҳкам ўрнашиб олганча, пастда турган хотинининг дуч келган жойига аямай тепкилайди.

Ўша куннинг эртаси кечки пайтларда Муҳаммадиброҳим Отабоев укаси билан бирга турадиган онасини кўргани боради.

— Таваккалнинг ҳеч эси кирмади, кирмади-да, — деди она катта ўғилга зорланиб. — Кеча Ҳуснидани яна урди, чоғи. Таваккалга бир-икки оғиз насиҳат қил. Ҳуснидaнинг ҳолидан ҳам хабар ол, хўпми!

— Озгина жанжаллашиб қолдик, — деб жавоб қайтарди ётган жойида Ҳуснида.

— Аҳволинг оғир, — деди Муҳаммадиброҳим. — Дўхтирга хабар бераман.

Ҳовлида қилар ишни қилиб, бир четда серрайиб турган Таваккалга "аҳмоқ, шунақа ҳам урасанми?", дея таҳдид қилганча уйдан чиқиб кетади.

Бироқ Муҳаммадиброҳимнинг барча ҳаракатлари зое кетди. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан Ҳуснида жон берди.

Афсуски, афсусланишнинг чек-чегараси йўқ. Кейинги пушаймон — ўзингга душман, дейди доно халқимиз. Суд тўпланган ҳужжат ва гувоҳларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олди. Судланувчи Таваккал Отабоев қилмишига яраша жазоланди. У Жиноят Кодексининг 104-моддаси 3-қисми "д" банди ва 117-моддаси 2-қисми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ўн бир йилда экилган тераклар бўй чўзиб, иморатга ярайдиган ёғоч бўлади. Бу орада Таваккал билан Ҳуснидaнинг ўғилчаси ҳам ўсиб-улғайиб, вояга етади. Насиб қилса, ота ҳам жазо муддатини ўтаб, уйига қайтиб келар. Таваккал ўша теракларни кесиб иморат солиб олар. Лекин ўша уйга кирганда хурсандчилик унга татирмикан? Эҳ, Таваккал! Таваккал! Сен эккан тераклар энди кимга керак?

**Ўз мухбиримиз**

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-721. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари: Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.